

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 12-сон, 81-модда; 2003 й., 21-сон, 213-модда; 2005 й., 27-сон, 191-модда; 2014 й., 19-сон, 215-модда; 31-сон, 380-модда; Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 306-модда)

Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий эстрада қўшиқчилик санъатини ривожлантириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлат томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилиб, кенг жамоатчилик, хусусан ёшлар ўртасида эстрада санъатига қизиқиш кучайиб бормоқда, янги-янги ижодий гуруҳлар ва хонандалар майдонга чиқмоқда.

Шу билан бирга, эстрада санъати маданиятини, эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш, ёш санъаткорларнинг ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш борасида камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Халқимизни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусиқий асарлар билан бир қаторда, мутасадди ташкилотлар ва баъзи эстрада жамоалари ҳамда яккахон ижрочиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида мазмунан саъз, бадий жихатдан заиф қўшиқлар ҳам концерт дастурлари, радио-телеканаллардан ўрин олмоқда, аудио-видео кассеталар орқали тарқатилиб, маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижодий жамоалар ва яккахон ижрочиларнинг фаолияти ва репертуарларини мувофиқлаштириш юзасидан Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси олиб бораётган ишларни қониқарли деб бўлмади.

Ўзбек миллий мусиқа санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларига йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, эстрада қўшиқчилигининг ютуқ ва тажрибаларини умумлаштириш, соҳа тараққиёти учун зарур имкониятлар яратиш, бадий юксак асарларни тарғиб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Олдинги тахрирга қаранг.

1. Республика кенг мусиқий жамоатчилик вакиллари, эстрада санъатининг таниқли намояндалари, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академия ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тузилганлиги маълумот учун кабул қилинсин, унинг [Низоми](#) (2-илова) маъқулансин.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 июндаги ПҚ-653-сонли қарори тахририда — Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 306-модда)

2. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифаси этиб қуйидагилар белгилангани эътиборга олинсин:

эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини химоя қилиш;

замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусиқа маданияти тараққиётидаги ўрни, ғоявий-бадий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний кадрятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш;

мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, томоша-шоулар, халқ сайиллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга доир тавсиялар тайёрлаш;

миллий эстрада санъатининг мониторингини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган турли анжуманлар, илмий-ижодий симпозиумларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, ўз даврий нашрларини йўлга қўйиш;

соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларнинг номзодларини давлат мукофотларига кўрсатиш, ўзининг турли нуфузли мукофотларини таъсис қилиш, эстрада намояндалари, авваламбор, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, тегишли ўқув юртларига тавсия этиш.

Олдинги тахрирга қаранг.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси ва бошқа тегишли ижодий ташкилотларга Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг соҳа фаолиятига доир тавсия ва таклифларини эътиборга олиб, уларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

(2-банднинг еттинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 июлдаги 156-сонли қарори тахририда— ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 191-модда)

3. Эстрада санъатини ривожлантириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси тугатилиб, унинг негизида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий мақсад ва вазифаларини адо этадиган хўжалик ҳисобидаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил этилсин, унинг ишчи аппарати ходимларининг чекланган сони 20 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) таркибий тузилмаси (3-илова) ва Низоми (4-илова) тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ишчи аппарати ва ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини 2 ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади, унинг мол-мулки, амалдаги барча мажбуриятлари, тузган шартнома ва контрактларининг бажарилиши юзасидан жавобгардир.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг асосий вазифалари Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий мақсадларни амалга ошириш, Кенгаш тавсияларини бажариш, эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ижодий ишларни олиб бориш, вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалар фаолиятига раҳбарлик қилишдан иборат.

Олдинги тахрирга қаранг.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ҳисобот беради ва ўз Низомида белгиланган бошқа вазифаларни амалга оширади.

(3-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

Олдинги тахрирга қаранг.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва белгиланган тартибда тайинланади.

(3-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Туркистон» концерт саройига жойлаштирилсин. «Туркистон» концерт саройини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

Олдинги тахрирга қаранг.

Олдинги тахрирге қаранг.

4. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси концерт-томоша фаолиятини лицензияловчи орган ҳисобланади.

(4-банднинг биринчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори тахририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

Ушбу фаолият турлари билан шуғулланадиган барча юридик ва жисмоний шахслар икки ой муддатда қайта рўйхатдан ўтказилиб, белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия)лар билан таъминлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу соҳада фаолият кўрсатадиган ижодий гуруҳлар ва яккахон ижрочилар фақат «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан берилган рухсатнома (лицензия)лар асосида фаолият олиб бориши мумкин.

(4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сонли қарори тахририда — ЎР ҚҲТ, 2003 й., 21-сон, 213-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчи, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарга бадий хизмат кўрсатиш (концерт қўйиш) билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар ва яккахон ижрочилар учун махсус рухсатнома (лицензия)лар бериш тартибини ва лицензиялар матнини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритсин.

6. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қошида ёзувчилар, бастакорлар, мусиқа шарҳловчилари, журналистлар ва жамоатчилик намояндаларидан иборат Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳининг тузилгани маъқуллансин.

Олдинги тахрирге қаранг.

Белгилаб қўйилсинки, Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий вазифаларни амалга оширади, юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, яккахон ижрочилардан ушбу қарорнинг 4-бандида қайд этилган фаолият тури билан шуғулланишга махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун тушган аризаларни кўриб чиқиб, муҳокама қилади, санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савиясига қараб, уларга хулоса беради. Мазкур гуруҳ хулосаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан лицензиялар берилиши учун асос ҳисобланади.

(6-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори тахририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи таркиби Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қарорига кўра ҳар йили 30 фоизга янгилашиб бориши инobatга олинсин.

7. Эстрада санъати намояндалари ва ёш ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузурида Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар ҳам Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси хомийлари бўлиши мумкин.

Жамғарманинг молиявий манбалари махсус рухсатнома (лицензия)лар учун тўловлар(солиқлар), хомийлик маблағлари ҳамда давлат кўмаги ҳисобидан ташкил топади.

Эстрада санъатини ривожлантиришга хомийлик қилиш истагини билдирган ташкилотлар ([5-илова](#)) ташаббуси маъқуллансин.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси 2005 йил 1 январга қадар давлат бюджетига олинадиган барча солиқлардан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун унинг ҳисоб рақамига Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан 50 миллион сўм миқдорда маблағ ўтказсин.

9. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил этилиши муносабати билан илгари «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасида фаолият кўрсатиб келган академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси ҳамда академик ва халқ бадий жамоалари ([6-илова](#)) Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилсин ва уларни давлат бюджетидан ҳамда хўжалик ҳисобидаги фаолият тушумларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

Маданият ишлари вазирлиги таркибида 3 штат бирлигидан иборат Академик ва халқ бадий жамоалари бошқармаси ташкил этилсин.

Молия вазирлиги мазкур 3 штат бирлиги учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратишни назарда тутсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда 1 ой муддатда академик ва халқ бадий жамоалари учун бино ажратсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликларига бир ой муддатда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базаси асосида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлинмаларини тузиш, академик ва халқ бадий жамоаларини ҳудудий маданият ишлари бошқармалари тасарруфига ўтказиш вазифаси топширилсин.

12. Адлия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 26 апрелдаги 163-сон [қарори](#) (4- ва 10-бандлардан ташқари);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида» 1997 йил 21 февралдаги 102-сон [қарори](#);

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар (ташкилотлар)га фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартиби тўғрисида низом»га қўшимчалар киритиш ҳақида» 1997 йил 21 февраль 99-сон қарори 1-бандининг 2 ва 3-хатбошилари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 4 майдаги 216-сон [қарори](#) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов ва Х. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2001 йил 26 июнь,

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг НИЗОМИ

1. Умумий қондалар

Олдинги тахрирга қаранг.

1.1. Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, ижодий уюшмалар ҳамда таъсисчилар вакилларида иборат Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб аталади) эстрада санъатини ривожлантириш ва ёш ижрочиларнинг камол топишига қаратилган чора-тадбирларни, концерт-томоша фаолиятини ҳамда шу соҳада аудио-видео, Интернет материаллари, компакт-дисклар ишлаб чиқарилишини мувофиқлаштирувчи жамоатчилик органидир. Кенгаш республикада фаолият кўрсатаётган малакали эстрада хонандалари, бастакорлар, режиссёрлар, шоирлар, бадиий сўз усталари, мусиқашунослар, журналистлар, шоу-бизнес соҳаси мутахассислари ва жамоатчилик вакилларида таркиб топади. Шунингдек, Кенгаш таркибига маънавият ва маърифат соҳаси учун масъул ташкилотлар ва муассасалар вакиллари ҳам қиради.

(1.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

1.2. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом асосида амалга оширади.

Кенгашнинг олий органи Кенгаш аъзолари ва эстрада санъати намояндаларининг йиллик анжуманидир (бундан буён матнда Йиллик анжуман деб аталади). Унинг ишида Кенгаш аъзоларида ташқари Кенгашнинг ҳудудий бўлимлари вакиллари қатнашади. Йиллик анжуманда республика эстрада санъати намояндалари маслаҳат овози билан иштирок этишлари мумкин. Йиллик анжуман Кенгаш раҳбариятининг ҳисоботини тинглайди, Кенгаш аъзоларини сайлайди ва иш режасини тасдиқлайди.

2. Кенгашнинг вазифалари

Кенгаш қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

2.1. Эстрада жамоалари, яққохон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш;

2.2. Замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусиқа маданияти тараққиётидаги ўрни, ғоявий-бадиий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш;

2.3. Мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, томоша-шоулар, халқ сайиллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга доир тавсиялар тақдим этиш;

2.4. Миллий эстрада санъатининг мониторингини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган турли анжуманлар, илмий-ижодий симпозиумларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, ўз даврий нашрларини йўлга қўйиш;

2.5. Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларнинг номзодларини давлат мукофотларига кўрсатиш, ўзининг турли нуфузли мукофотларини таъсис қилиш, эстрада намояндалари, авваламбор, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, тегишли ўқув юртларига тавсия этиш.

2.6. Мамлакатимизда эстрада кўшиқчилигини янада ривожлантиришга, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусиқий асарлар яратилишини кўллаб-қувватлаш.

2.7. Миллий эстрада соҳасидаги истеъдодли ёш ижодкорларнинг касбий ва маънавий камол топишига имкон яратиш, уларнинг малака ошириши, ўз иқтидорини намоён этиши учун ташкилий масалаларни ҳал этиш, бозор муносабатлари шароитида яққалон ижрочилар ва ижодий жамоалар фаолиятига кўмаклашиш.

2.8. Миллий эстрада санъатини тарғиб қилишга қаратилган, давр талабларига жавоб берадиган дастурлар тайёрлаш ва уларни амалга ошириш чораларини кўриш.

2.9. Эстрада кўшиқчилиги соҳасида тайёрланадиган ва тарқатиладиган аудио, видео, компакт-дисклар, Интернет материаллари ва бошқа нашрларнинг юқори савиясини таъминлаш бўйича ҳамда эстрада кўшиқчилигида тақлидчилик, бадиий саёзлик каби салбий ҳолатларга қарши, миллий ўзига хосликни сақлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриш.

2.10. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ва Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш.

2.11. Эстрада санъатининг ютуқларини оммалаштириш учун зарур нашрларни тайёрлашга тегишли услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, нашр этилган материалларнинг савиясини таҳлил этиб бориш.

3. Кенгашнинг ҳуқуқлари

Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Олдинги тахрирга қаранг.

3.1. Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи эстрада жамоалари, яққалон ижрочиларнинг репертуарларини, концерт дастурлари ва сценарийларини таҳлил этиш ва баҳолаш.

(3.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

3.2. Эстрада кўшиқчилиги ва ижрочилиги фаолияти соҳасида мамлакат ва халқаро миқёсдаги фестиваллар, кўрик-танловлар ташкил этиш. Чет элларга гастроль сафарларига чиқиш, халқаро ва республика миқёсидаги эстрада фестивалларида қатнашишга тавсияномалар бериш.

3.3. Яққалон ижрочилар ва жамоаларнинг республика ва халқаро фестивалларда фаол қатнашувини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўриш.

3.4. Давлат мукофотларига номзодлар кўрсатиш.

3.5. Иқтидорли ёш эстрада кўшиқчиларининг малакасини ошириш учун олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилишга тавсиялар бериш.

3.6. Эстрада санъатидаги ютуқларни рағбатлантириш учун мукофотлар таъсис этиш.

3.7. Кенгаш ва Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи таркибларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар бериш.

3.8. Кенгаш ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан республикада эстрада кўшиқчилиги ва ижрочилиги соҳасида фаолият кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган тегишли қарорлар қабул қилиш.

4. Кенгаш ишини ташкил этиш

4.1. Кенгаш ўз аъзолари таркибидан Кенгаш раиси, раис ўринбосари, Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи раҳбарини ва Кенгаш масъул котибини сайлайди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг бош директори лавозимига тайинлаш учун Вазирлар Маҳкамасига номзод тавсия этади.

4.2. Кенгаш раиси, раис ўринбосари ва Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи раҳбари жамоатчилик асосида ишлайди. Кенгашнинг масъул котиби лавозимига кўра

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директорининг ўринбосари ҳисобланади ва бирлашма ишчи аппарати штатлар рўйхати асосида маош билан таъминланади.

4.3. Кенгаш ўз таркибида эстрада кўшиқчилик санъати жанрлари бўйича секциялар, ҳудудий бўлимлар ташкил этади ва Кенгаш аъзоларидан уларнинг раҳбарларини сайлайди.

4.4. Кенгаш йиғилишлари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Зарурат бўлганда навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

5. Кенгашнинг ишчи ва маслаҳат органлари

5.1. Кенгаш ўз олдида кўйилган вазифаларни бажариши учун унинг ҳузурида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ва Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи ташкил этилади. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси Кенгашнинг ишчи органлари, Ижодий кўмаклашувчи гуруҳ унинг маслаҳат органи ҳисобланади.

5.2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси мустақил юридик шахс мақомига эга ҳисобланади. Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи эса жамоатчилик асосида фаолият юритади.

5.3. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори ва Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи раҳбари Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланади.

5.4. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бюджети Кенгаш томонидан тасдиқланади ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиявий таъминланади.

5.5. Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Кенгашнинг ўз вазифаларини бажаришга қаратилган йиллик режасига мувофиқ сарфланади. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ўз фаолияти бўйича йилнинг ҳар чорагида бир марта Кенгаш олдида ҳисобот беради.

Олдинги таҳрирге қаранг.

5.6. Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий вазифаларни амалга оширади, юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, яққохон ижрочилардан концерт-томоша хизмати кўрсатиш билан шуғулланишга махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун тушган аризаларни кўриб чиқиб, муҳокама қилади, санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савиясига қараб, уларга тегишли хулосалар беради.

(5.6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

6. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

6.1. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Йиллик анжуман томонидан қабул қилинади.

6.2. Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарор Йиллик анжуман қатнашчиларидан камида учдан икки қисми иштирок этаётган Йиллик анжуманда, қатнашчиларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

6.3. Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

7. Кенгаш фаолиятини тўхтатиш тартиби

7.1. Кенгаш фаолиятини тўхтатиш уни қайта ташкил этиш ёки тугатиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.


7.2. Кенгашни қайта ташкил этиш эстрада санъати намояндаларининг Йиллик анжумани қарори бўйича амалга оширилади.

7.3. Кенгашни тугатиш эстрада санъати намояндаларининг Йиллик анжумани қарорига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган асосларга биноан суднинг қарори бўйича амалга оширилади.

7.4. Давлат реестрига тегишли ёзув битилган пайдан бошлаб Кенгаш қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 26 июндаги 272-сон [қарорига](#)
3-ИЛОВА

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси таркибий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 26 июндаги 272-сон [қарорига](#)
4-ИЛОВА

Олдинги тахрирга қаранг.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг

НИЗОМИ

(4-илованинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

I. Умумий қондалар

Олдинги тахрирга қаранг.

1.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ижодий ишларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ташкилот ҳисобланади.

(1.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

1.2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг қарор ва тавсиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг буйруқлари, йўриқномалари, кўрсатмаларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади, ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ҳисобот беради.

(1.2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

1.3. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси юридик шахс ҳисобланади, банк муассасаларида миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамига эга бўлади, мулкка эгалик қилади, ўз номидан турли шартномалар, битимлар, шу жумладан, хорижий шериклар билан шартномалар, битимлар тузиши, мулккий, шахсий ҳамда мулккий бўлмаган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, суд ёки ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг манзили: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 2-уй. («Туркистон» концерт саройи).

II. Мақсад ва вазифалари

2.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси республикада эстрада маданиятини юксалтириш, эстрада санъати намояндаларининг иждодий имкониятларини кенгайтириш, эстрада сахналаридан фойдаланишни яхшилаш, маданий, ишлаб чиқариш, илмий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун куч ва маблағларни бирлаштириш мақсадида ташкил этилади.

2.2. Қуйидагилар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

— Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий мақсадларни амалга ошириш, унинг тавсия ва қарорларини бажариш;

— эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ижодий ишларни олиб бориш;

— вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалар фаолиятига раҳбарлик қилиш;

— эстрада жамоалари ва яккахон ижрочилар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш;

— эстрада санъатида янги истеъдодларнинг юзага чиқиши, иждодий жамоалар ва яккахон ижрочилар репертуарларини доимий равишда янгилаш ҳамда мукаммаллаштириш учун илғор иқтисодий-ижодий замини фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳадаги бозорнинг талаб ва таклифларини ўрганиш;

Олдинги таҳрирга қаранг.

— Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш хизмати кўрсатиш ҳуқуқи учун Иждодий кўмаклашиш вакиллари гуруҳи хулосалари асосида лицензиялар бериш;

(2.2-банднинг еттинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

— эстрада жамоаларининг моддий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга қаратилган ишларни амалга ошириш;

— хорижий фирмалар билан маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш;

— кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш;

— эстрада жамоалари ҳамда якка ижрочилар фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи бошқарув тизимини яратиш, моддий рағбатлантиришнинг замонавий шакллари ва услубларини жорий этиш.

III. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳуқуқлари

3.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ўз вазифаларини амалга ошириш учун:

Олдинги таҳрирга қаранг.

— Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқлаган эстрада соҳасидаги концерт-томоша фаолиятининг республика ва халқаро дастурлари асосида шоу-дастурлар, дам олиш кечалари, фестиваллар, кўриклар, танловлар, байрамлар ва бошқа шу каби тадбирларни ўтказди;

(3.1-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

— Концерт-томоша хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

(3.1-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

— эстрада санъатини ривожлантириш, ижодий жамоалар, гуруҳлар ва яккагон ижрочиларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш иқтидорларни тарбиялаш ва уларни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

— турли эстрада тадбирлари учун чипталар нархининг чекланган даражасини белгилайди;

— маркетинг, менежмент, консалтинг, реклама соҳасида хизматлар кўрсатади;

— давлат буюртмаси асосида янги концерт дастурлари яратади;

Олдинги таҳрирга қаранг.

— Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашига Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда номзодлар тавсия этади;

(3.1-банднинг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

— эстрада санъати соҳасида ахборотлар базасини яратади, мониторингни йўлга қўяди, хорижий ташкилотлар, вакилликлар ва фирмаларга республика эстрада бозори ҳақида маълумотлар ва реклама ахбороти таркатади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

— грампластинкалар, аудио касеталар ва лазерли дискларни ёзиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан эстрада жамоалари, яккагон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг қўшиғини ёзишда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган лицензиянинг талаб қилинишини назорат қилади;

юридик ва жисмоний шахслар концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиясиз ушбу фаолият билан шуғулланаётгани аниқланган тақдирда тегишли чоралар кўриш учун ваколатли органларга тақлиф қилинади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида концерт-томоша фаолиятини мувофиқлаштиради ва концерт дастурларини белгиланган тартибда бадиий экспертизадан ўтказиб, бир маротабалик концерт-томоша гувоҳномасини беради;

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳукуқини берадиган лицензияга эга бўлмаган эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг ижросидаги кўшиқлар ва уларга ишланган мусиқий клипларни телевидение ва радио каналлари орқали узатилишининг олдини олиш чораларини кўради.

(3.1-банднинг ўнинчи — ўн учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)

IV. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг маблағлари

4.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг маблағлари Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ажратмалари ва давлат улушларидан ташкил топади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

4.2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бюджети Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиявий таъминланади.

(4.2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

4.3. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ўзига тегишли бўлган мол-мулк ва маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасдиқлайдиган дастурлар, сарф-харажатлар сметаси асосида фойдаланади. Ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, республика ва унинг ташқарисида ҳар қандай кўчар ва кўчмас мулкни қуриши, реконструкция қилиши, сотиб олиши, ажратиши, ижарага олиши ва ижарага бериши, қонунга хилоф бўлмаган бошқа фаолиятни амалга ошириши мумкин.

(4.3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

4.4. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси мустақил ва йиғма балансларга эга бўлади. Бирлашманинг мол-мулки мустақил балансда акс эттирилади.

4.5. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси давлат корхоналари учун белгиланадиган қоидалар бўйича бухгалтерлик ҳисобини ташкил этади.

V. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасини бошқариш

Олдинги таҳрирга қаранг.

5.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси фаолиятига бош директор раҳбарлик қилади.

(5.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

5.2. Бош директор раҳбарлигидаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ишчи аппарати унинг ижро этувчи ва тасарруф қилувчи органи ҳисобланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

5.3. Бирлашма бош директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

(5.3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

5.4. Бирлашма бош директори Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг аъзоси ва Кенгаш раисининг ўринбосари ҳисобланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

5.5. Бирлашма бош директорининг ўринбосари бош директорнинг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

(5.5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

5.6. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг масъул котиби лавозимига кўра «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари ҳисобланади ва бирлашма ишчи аппарати штатлар рўйхати асосида маош билан таъминланади.

5.7. Бош директор ишчи аппарат ходимларини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади.

VI. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг тугатилиши

Олдинги таҳрирга қаранг.

6.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил қилинади ёки тугатилади.

(6.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги 116-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 215-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 26 июндаги 272-сон [қарорига](#)
5-ИЛОВА

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлари

РЎЙХАТИ

1. «Ўзавтосаноат» уюшмаси
2. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси
3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси
4. «Ўзбекнефтгаз» компанияси
5. «Ўзбексавдо» компанияси
6. «Ўзбектуризм» компанияси
7. «Ўзкўргазмасавдо» акциядорлик жамияти
8. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси
9. «Ўзозиковқаттаъминот» компанияси
10. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси
11. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
12. «Ўзмиллийбанк»
13. Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги
14. «Ардус» кўшма корхонаси
15. «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуи
16. «Совпластитал» кўшма корхонаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2001 йил 26 июндаги 272-сон [қарорига](#)
6-ИЛОВА

Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтаётган жамоалар

РЎЙХАТИ

1. Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадийий жамоалари дирекцияси ҳамда унинг ҳузуридаги қуйидаги жамоалар:

- Т. Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари Давлат оркестри
- «Ўзбекистон солистлари» камер симфоник оркестри

- «Туркистон» камер оркестри
- Мумтоз қўшиқчилик ва рақс ансамбли
- Давлат хор капелласи
- «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли
- Муножат Йўлчиева гуруҳи
- «Мақом» гуруҳи
- «Карнай-сурнай» гуруҳи

2. Ўзбекистон давлат «Миллий симфоник оркестр» унитар корхонаси (Тошкент шаҳар, Ҳабиб Абдуллаев кўчаси 2-уйда жойлашган Маданият ахборот маркази биноси билан бирга)

- 3. Ботир Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри
- 4. «Юные дарования» камер оркестри
- 3. Ўзбекистон давлат «Сўғдиёна» миллий чолғу асбоблари оркестри